

● ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Ким Пен Хва номли колхозининг Х. Абдуқодиров етакчилик қилаётган 8-бригадаси аъзолари бу йил 87 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Улар гектарларнинг тўлиқ, кўчатларнинг бут бўлиши учун зарур тадбирларни амалга оширдилар.

Ғўзалар парвариши агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилаётганлиги туфайли экинларнинг ривожи яхши бўляпти. Ҳозир тўртинчи культивация ниҳоясига етмоқда. Суратда: ғўзаларга ишлов бериш пайти.

В. Молгачев фотоси.

# БОЙ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР

## МАВСУМ ЯКУНЛАРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Мен 17 йилдан буён пилла қурти боқишда қатнашиб келаман. Бу йил ҳам дугоналарим Зоҳида Тўраева, Марҳамат Турсунбоева ва Зумрад Маҳаматовалар билан звено тузиб, саккиз қути уруғ боқдик. План-топшириқларимизни анча ошириб бажардик. Умуман хўжалигимизда ҳам мавсум бирмунча муваффақиятли якунланди. Жами 400 қути уруғдан 24 тоннага яқин хом ашё топширилди.

Бундай қараганда кўрсаткичлар яхши, ҳамма ишлар жойидага ўхшайди. Аслидачи бундай эмас. Мавсум якуни пиллачиликда бой берилаётган имкониятлар, эътибордан четда қолиб келаётган резервлар кўплигини кўрсатди. Аввало, озуқа базасини олиб кўрайлик. Колхозда 46 гектар тутзор бор. Бундан ташқари ариқ ва йўл четкаларида кўплаб тут дарахтлари ўсмоқда. Бироқ, шунга қарамай мавсумда барг танқчил бўлди, нега?

Гап шундаки, тутзорларга қаров яхши эмас, ўз вақтида ҳайдалиб, ўғит солиниб, суғорилмайди. Шунинг учун ҳам барг ҳосили яхши бўлмайди. Бунинг устига барча бригадаларда ҳам барг ташувчи махсус отрядлар тузилмади. Барг қирқиш, тақсимлаш, ташиб етказиб беришда бош-бошдоқликлар вужудга келди. Звеномиз аъзолари ҳам, биз билан ёнма-ён тўрт қути уруғ парваришлаган Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабалари ҳам барг излаб топиб, қирқиб ўзлари ташишди. Айрим ҳолларда бошқалар каллаклаб кетган тут дарахтларини тозалаб, бир амаллаб барг топишга мажбур бўлдик.

Яна бир муаммо жой масаласи билан боғлиқдир. Колхозда бир вақтлари 40 қутидан зиёд уруғни бир йўла парваришлашга мўлжалланган марказий қуртхона қурилган эди. Бироқ ўтган 10 йил давомида ундан бирон йил ҳам фойдаланилмади. Қаровсиз ташлаб қўйилди. Эмишки, бу ерда қурт боқиш бефойда, уруғ касалланса ҳаммасига тарқаб, қирилиб кетармиш! Ана шундай баҳоналар билан кўплаб маблағ эвазига қурилган махсус бино узоқ вақт янги Тошкент консерва заводи учун омборхона вазифасини ўтаб келди.

Бу йил колхоз партия ташкилоти ва шахсан партия комитетининг секретари Давлатёр Иноғомовнинг ташаббуси, елиб-югуриши, жон куйдириши туфайли ана шу бинода қурт боқишни йўлга қўйиш ҳақида қатъий бир қарорга келинди. Бизга ва студент-практикантларга бу ҳақда таклиф қилишган эди, бажонидил рози бўлдик. Биз ғоятда масъулиятли ишга қўл ураётганлигимизни яхши билардик. Ҳамма бизга кўз тикади, кузатади. Агарда озроқ хатоликка, лоқайдликка йўл қўйилса, натижа кўнгилдагидек чиқмас эди. Шунинг учун ҳам биз ишни хоналарни тозалашдан бошладик. Санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилинди. Барча асбоб-анжомлар келтирилди. Ипак қурти парвариши давомида агротехника қоидаларига тўла амал қилинди. Натижа чакки бўлмади, студентлар ҳам, биз ҳам планларни ошириб бажардик. Ҳар қутисидан 65 килограммдан пилла етиштирдик.

Шундай қилиб, биз қуртларни марказлаштирилган усулда боқиш афзаллигини амалда синаб кўрдик. Сир эмас, мана, қўшни Орджоникидзе номли совхозда ҳам худди шу усулдан фойдаланиб, яхши натижаларга эришилмоқда-ку! Колхозда ҳар йилги мавсумда пиллачилик звенолари, махсус барг ташувчи отрядлар тузилиб, кўплаб уруғ бир ерда парваришланса, қанчадан-қанча ишчи кучи, транспорт воситалари, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий ресурслар тежалмайдими?! Бу хўжаликка катта фойда келтиради-ку! Хўжалик раҳбарлари, агросаноат бирлашмаси мутахассислари бу ҳақда ва тутзорларга қаровни яхши йўлга қўйиш ҳақида мавсум бошланиш арафасида эмас, ҳозирданоқ ўйлашлари ва бутун йил давомида бу борада иш олиб боришлари керак.

М. АНОРОВА,
Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози пиллакори.

БИР КОРХОНА ХАБАРЛАРИ

### ҒЎЗАПОЯ ЎРАДИГАН МАШИНА

● «ТАШХИМСЕЛЬМАШ» заводида ишлаб чиқарилаётган машина-механизмлар пахтакорларнинг оғирини енгил қилади. Яқинда корхона коллективи КВ4-а маркали яна бир янги машина тайёрлашга киришди. Ғўзапоя ўриб олишга мўлжалланган бу янги агрегат дала меҳнаткашларининг қўл меҳнатини 2—2,5 баравар енгиллаштиради.

### ИЛҒОР ЦЕХ

● ЗАВОДНИНГ Сергей Лихачев бошлиқ 1-механика-йиғув цехи илғор коллективлардан ҳисобланади. Улар цехлараро социалистик мусобақада актив қатнашиб, самарали натижаларни қўлга киритишмоқда. Цех ишчилари меҳнат беллашувида йил бошидан бери ғолиблик қилиб келишмоқда. Шу кунларда эса учинчи квартал ҳисобига меҳнат қила бошладилар.

У. МУҲАМЕДОВ.

## 904-СЧЁТГА

Янгийўл район кўзи ожизлар жамияти аъзолари Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатиш ишига ўз ҳиссаларини қўшиш иштиёқини билдирдилар.

— Оға-иниларимиз бошига тушган кулфат бизнинг ҳам кулфатимиздир — дейди жамият аъзоси А. Эркабоев. — Бу қайғу ҳақида гапирар эканман, беихтиёр Тошкент зилзиласи ёдимга тушади. Ана шу даврда барча совет халқи тошкентликларга ёрдамга келганди. Жамиятимизнинг Т. Топилова, А. Абдураҳмонова, И. Иноғомжонов каби аъзолари 904-счётга 118 сўм ўтказишди.

## ҒЎЗА ГУЛЛАДИ

БРИГАДАНИНГ энг тажрибали сувчиси Раҳмонберди Эгамбердиев сўнгги картадаги сувни бекитди. Сўнгра ишнинг сифатини кўздан кечириш учун ўқариқ бўйлаб юриб кетди. Бирдан унинг кўзи гул кўрсатган ғўзага тушди. Табиати ёришиб, кўнгли равшан тортди. Ахир меҳнатининг мевасини кўрганда қувонмай бўладими. Орадан бир неча дақиқа ўтмай бу хушхабар бутун бригадага тарқалди.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг пахта устаси Алимат Холматов бошчилик қилаётган бригада аъзолари йилдан-йилга пахта ҳосилдорлигини ошириб бормоқдалар. Бу йил улар 155 гектар ерда пахта, 36 гектар майдонда каноп етиштиришмоқда. Ҳар иккала экиннинг ҳам ривожи яхши. Деҳқонлар шу кунгача ғўза қатор ораларига тўрт марта ишлов беришди. Биринчи сув сифатли якунланди. Ҳар гектар ерга 300 килограммдан минерал ўғит солинди.

Коллектив аъзолари бу йил дала ишларини комплекс ташкил этишмоқда. Бригадир бошчилигида сувчилар ва механизаторлар ўзаро ҳамкорликда ишлаб ҳар бир агротехника тадбирини иложи борича қисқа муддатда, сифатли тугаллаш учун курашмоқдалар.

— Ҳар бир цикл ишловини қанчалик тез амалга оширсак ғўзанинг ривожи шунчалик авж олади. Пировард натижада ҳосил эртаки бўлиб етилади, — дейди бригада бошлиғи А. Холматов. — Умуман бригадамизда қилинадиган ишлар олдиндан конкрет белгилаб олинади. Айни кунларда асосий диққат эътиборни культивация билан биргаликда суғоришга қаратяпмиз. Чунки бу йил сув анча танқчил бўляпти.

Вазият ҳисобга олиниб бригадада тўртта группа ташкил этилди. Ҳар бир группага биттадан механизатор ва бештадан сувчи бириктирилди. Улар ишни ўз вақтида амалга оширишмоқда. Сувдан самарали фойдаланиш мақсадида қўшимча иккита насос ўрнатилди. Рафиқ Исломов, Абдулла Холибеков, Ўроз Эшмуродов, Аваз Мухсимов сингари механизаторлар ғўза қатор ораларига ўз вақтида ишлов беришмоқда. Раҳмонберди Эгамбердиев, Комилжон Шерматов, Исмоил Исломов, Абдукарим Дўстбеков каби сувчилар эса ҳар бир ниҳолни оби-ҳаётга қондирмоқдалар. Коллектив деҳқонлари 1986 йилда ҳосилдорликни гектар бошига 33 центнерга етказишга, давлатга юқори сифатли пахта сотишга сўз беришган.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## КХДР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН, 23 июнь. (ТАСС). КХДР ҳукумати бугун баёнот бериб, унда Корея ярим оролини ядро қуролидан холи, тинчлик зонасига айлантиришни таклиф этади. КХДР, деб таъкидланади ҳужжатда, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилди ва у юклаган мажбуриятларни ҳалол бажармоқда, Жанубий Кореяда ядро қуроли тугатилиши учун изчиллик билан курашмоқда.

АҚШ Корея ярим ороли жанубини ўзининг Узоқ Шарқдаги энг катта ядровий базасига айлантириб қўйди. Вашингтон бу ерда ядро қуролини ишлатиш ниятида эканлигини ошкора айтмоқда.

Вужудга келган шароитда КХДР ядро урушининг олдини олиш ва ярим оролда мустаҳкам тинчликни таъминлаш мақсадида шошилинч чоралар кўриш зарур деб ҳисоблайди. КХДР ҳукумати ўз территориясида ядро қуроли синовларини ўтказмаслик, уни ишлаб чиқармаслик, олиб келмаслик ва жойлаштирмаслик, шу территория орқали бу қуролнинг ташиб ўтилишига рухсат бермаслик мажбуриятини олади.

## ГВАТЕМАЛА БЛОККА ҚЎШИЛМАДИ

САН-ХОСЕ, 23 июнь. (ТАСС). Гватемала пойтахтидан олинган хабарларга кўра Марказий Америкадаги ана шу мамлакат ҳукумати Никарагуага қарши бирлашма — Гондурас, Коста-Рика ҳамда Сальвадорни ўз ичига олган «Тегусегальпа блоки» деб аталган блокка киришдан бош тортди. Вашингтоннинг актив кўмагида ташкил этилган мазкур «блок» мақсади контадор жараёни доирасида регион проблемаларини тинч бартараф этишга оид музокараларда Никарагуани яккалаб қўйишдан иборат.

Гватемала ташқи ишлар министри Марио Киньонеснинг айтишича, унинг мамлакати Марказий Америка можаросига нисбатан «актив бетарафлик» сиёсатини давом эттириш ниятидадир. Гватемала, деди у, регионда бошқалар манфаатини ҳимоя қилишда югурдак ролини ўйнамоқчи эмас. Гватемала ҳукумати «Тегусегальпа блоки» вакилларининг Сальвадор пойтахтида ўтказилиши мўлжалланган кенгашида қатнашишдан расмий равишда бош тортгандан кейин министр шундай баёнот берди.

## САЙЛОВ ЯКУНЛАНДИ

МАДРИД, 23 июнь. (ТАСС). Бу ерда кеча бўлиб ўтган парламент сайлови якунлари эълон қилинди. Сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган салкам 29 миллион испаниялликнинг 70,8 проценти қатнашди.

Ички ишлар министрлиги овозлар умумий сонининг 96,6 процентини ҳисоблаб чиқиб, шунга асосланган расмий маълумотга кўра мамлакатда сиёсий кучларнинг жойлашишида катта ўзгариш бўлмади. Ҳукмрон Испания социалистик партияси депутатлар конгресси (парламентнинг қуйи палатаси)да 350 ўриндан 184 тасини олиб, мутлақ кўпчилик овозга эга бўлди.

Тараққийпарвар кучлар, шу жумладан Испания Коммунистик партияси ва Испания халқлари Коммунистик партияси сайлов арафасида ташкил этган сайлов иттифоқи — «Бирлашган сўллар» муваффақиятга эришди. Сермазмун ва кенг халқ оммаси манфаатларини кўзловчи сайловолди программасини ўртага қўйган сўл кучлар блокидан парламентнинг қуйи палатасида 8 депутат қатнашади.

## ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ МУШКУЛЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

БАЙРУТ, 23 июнь. (ТАСС). Исроиллик босқинчилар ва уларнинг «Жанубий Ливан армияси» деб аталмиш ёлланган аскарлари Набатия шаҳрини, Кфар-Руман, Жбаа, Айн-Бусбар, Хаб Буш, Араб-Салим аҳоли пунктларини қаттиқ тўпга тутдилар.

Жанубий Ливаннинг Айн-Ибл қишлоғидаги мина портлаши натижасида Исроилнинг тўрт нафар солдати ўлдирилди. Ўтган кунлар мобайнида Ливан ватанпарварлари қаршилик ҳаракатининг жангчилари жанубишарқдаги Кфар-Румман қишлоғида босқинчиларнинг механизациялаштирилган соқчиларига ҳужум қилдилар. Ватанпарварлар Тахра ва Сувайда тепаликларида Исроил агрессорларининг мустаҳкамланган позицияларига ракеталар отдилар.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ЛОНДОН. Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Куба Никарагуа халқига унинг аксилинқилобчи тўдалар билан курашида интернационал ёрдам ва мадад беришга ҳамиша шай бўлиб турганлигини тасдиқлади. Англияда чиқадиган «Санди таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда Ф. Кастро, Куба Никарагуанинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилади ва шу йўл билан АҚШга қимматга тушадиган бевосита ҳарбий агрессия имкониятини истисно этиб бораверади, деди. Никарагуада Кубанинг ҳарбий мутахассислари бўлишига тўхталиб, Фидель Кастро, улар бу мамлакатда Никарагуа томонининг илтимосига кўра турибди ва мабодо сандиночилар ҳукумати истасагина ушбу маслаҳатчилар Никарагуадан олиб чиқиб кетилиши мумкин, деди.

✦ ВЕНА. Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб АДР раҳбарлиги Афғонистон атрофида таркиб топган муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этишга интилмоқда, деб айтди. «Фолькcштимме» газетаси мухбири билан суҳбатда Нажиб, бу регионадаги ҳамма халқлар манфаатларига мос бўлур эди, деб уқтирди. Биз, деди Нажиб, регионда ва бутун дунёда тинчлик иши ғалаба қилишига ёрдам бериш ниятидамиз. Афғон раҳбари БМТ Бош секретари шахсий вакилининг воситачилигида Женевада ўтказилаётган Афғонистон — Покистон музокараларида аҳдлашувга эришишнинг реал имкониятлари бор, деб таъкидлади.

✦ БОНН. Бу ерда Германия социал-демократик партияси раиси Вилли Брандт раҳбарлигида ишлаб чиқилган шу партия янги программаси лойиҳаси эълон қилинди. Ҳужжатнинг халқаро бўлимида кескинликни юмшатиш сиёсатини қайта тиклаш, ҳамма оммавий қирғин қуролларини йўқотиш зарурлиги, «космос қурол-яроғлардан ҳоли бўлиши даркорлиги» алоҳида таъкидлаб ўтилган. Лойиҳа шу йилнинг август ойида бўладиган Германия социал-демократик партиясининг навбатдаги съездида делегатлар эътиборига тақдим этилади. Программа келгуси йил батамом тасдиқланади.

✦ ТРИПОЛИ. «Ал-Фажр ал-Жадид» газетасининг хабар беришича, шу йилнинг апрель ойида Ливия шаҳарларига қароқчиларча ҳужумда қатнашган яна бир Америка самолётининг парчалари Триполи шаҳри яқинида топилди, бу парчаларни Ўрта денгиз тўлқини қирғоққа улоқтириб ташлаган. Газета босиб чиқарган суратида ана шу самолёт парчасида Ливия ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари снарядининг излари шундоққина кўриниб турибди.

✦ ВАШИНГТОН. Жанубий Африка миллий конгрессининг президенти Оливер Тамбо АҚШ, Англия ва ГФРдан ирқчи ЖАРга қарши дарҳол мажбурий жазо чораларини жорий этишни талаб қилди. Ана шундай чора кўрилмаган тақдирда, деди у Америкадаги Эй-Би-Си радиотелекомпанияси мухбири билан суҳбатда, Жанубий Африкадаги қалтис вазият қитъанинг бутун жанубида уруш бошланиб кетишига олиб келиши мумкин. Африка миллий конгрессининг раҳбари ЖАР билан алоқа ўрнатган Америка кампанияларига мурожаат қилиб, ирқчи режим билан ҳамкорликни тўхтатишга чақирди. Ирқчилар билан ҳамкорлик давом эттирилаверса, Жанубий Африка халқи бундан тегишли хулосалар чиқариб олади, деди Оливер Тамбо.

✦ НЬЮ-ЙОРК. Рейган маъмурияти Претория режимига нисбатан жазо чоралари кўришдан бош тортаётганлигини АҚШ давлат секретари Жорж Шульц яна бир карра тасдиқлади. «Биз Жанубий Африканинг келажагига ишонамиз ва у ерда қолиш ниятидамиз» — деди у Аляска штатидаги Элмендорф авиабазасидаги матбуот конференциясида.

(ТАСС, 23 июнь).



● ЯПОНИЯНИ зиддиятлар, қарама-қаршиликлар империяси деб бежиз айтилмайди. Бу мамлакатда бошпанаси йўқ қашшоқларча ҳаёт кечираётган кишилар ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Ушбу суратда Япония шаҳарларида тез-тез кўзга ташланадиган манзарани кўриб турибсиз.

ТАСС фотохроникаси.

## ЖАРда ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

ХАРАРЕ, 23 июнь. (ТАСС). Бу ерда олинаётган хабарларга кўра, Претория даги ирқчилик режими аёвсиз цензура паноҳида Жанубий Африкада террорни кучайтирмоқда. Жанубий Африкадаги баъзи манбаларга кўра, кейинги кунларда мамлакатда камида 55 африкалик ўлдирилган. Армия ва полиция Африка шаҳарлари атрофида ва посёлкаларда ҳақиқий жанг қилмоқда.

Кеча ЖАРдаги энг катта портлардан бири Дурбанни бир неча портлаш ларзага келтирганлиги маълум бўлиб қолди. Ватанпарварлар режимнинг стратегик объектлари — нефть ҳайдаш ва химия корхоналарига, шунингдек нефть қувурларига зарбалар бердилар. Йоханнесбургдан олинган хабарларга кўра, ирқий камситишга қарши курашувчи жангчилар Бопутатсван Бантустанида апартеид душманларига мислсиз ёвузликлар қилган полиция генерали Эндрю Молопени ўлдирганлар. У шу йил март ойида Винтервельддаги стадионда бўлиб ўтган ирқчиликка қарши намойишни ўққа тутишга буйруқ берганди. Бунинг натижасида 11 киши ҳалок бўлган, неча ўнлаб киши яраланган эди. Ирқчилар унга ана шу ёвузлиги учун генераллик унвонини бердилар.

# ОЛИЙ МАКТАБНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДА

*КПСС Марказий Комитети лойиҳаси муҳокамада*

КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» ҳақидаги лойиҳаси халқ хўжалиги учун ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашдаги кескин бурилиш йўлларини аниқ ва равшан белгилаб берди. Лойиҳа ўзида партия XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида олий ҳамда ўрта махсус таълимни ривожлантириш юзасидан белгилаган режаларни тўла мужассамлаштирганлиги билан айниқса қимматлидир.

Шу кунларда институтимиз олимлари, педагоглар ва талабалар бу муҳим ҳужжатни қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Турли илмий кенгашлар, кафедралар йиғилишларида у муҳокама қилиниб, лойиҳа ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

Педагоглар Асосий йўналишлар лойиҳасида мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи батафсил таҳлил қилинганлигини, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқлари аниқ кўрсатиб берилганлигини алоҳида эътироф этмоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам, лойиҳада олий ва ўрта махсус таълимни бундан буён равнақ топтиришнинг жуда кўп қирралари қамраб олинган. Келажакда мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни бемалол ҳал этиш қобилиятига эга бўлган эртанги мутахассис қандай бўлиши кераклиги батафсил изоҳлаб берилган.

Маълумки, партия XXVII съездида вазифа — шу яқин 15 йил ичида мамлакат ишлаб чиқариш потенциалининг ўсиш даражасини совет ҳокимияти ташкил этилгандан буёнги ўтган деярли 70 йил ичидаги ўсиш даражасида таъминлашдан иборат эканлиги қатъий қилиб қўйилди. Жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу вазифани ҳал қилишнинг муҳим шартларидан бири — инсон омили эканлиги ўз-ўзидан аён, албатта. Партия малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор бераётганлиги ҳам ана шундан.

Сўнгги йиллар мобайнида таълим, ишлаб чиқариш ва фанни интеграциялаш масалалари халқ хўжалигининг етакчи муаммоларини ҳал этишдаги асосий восита эканлиги партия ва ҳукуматимизнинг қатор ҳужжатларида қайд этилди. Лойиҳада бу проблеманинг алоҳида тилга олиниши эса эндиликда олий мактаб ана шу муаммо билан чуқурроқ шуғулланиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Бу борада институтда бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши министрлиги иш ҳақи фонди ҳисобига 64 нафар илмий педагогик кадрдан иборат штат билан ўқув-илмий-ишлаб чиқариш марказ ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, шунингдек, муҳим илмий муаммоларни ишлаб чиқаришнинг йирик мутахассислари билан биргаликда ҳал этиш ҳамда юксак самарадорликка эришишдир.

Лойиҳада студентларни аудиториядаги мажбурий машғулотлар — лекциялар билан банд қилишни камайтириш, улар ижодкорлигини ошириш, кўпроқ ўз устида мустақил ишлашларини таъминлаш ҳақидаги талабларни биз қўллаб-қувватлаймиз. Ўқув тарбия худди шу тарзда йўлга қўйилса, шундагина бизда халқ хўжалигига етук мутахассислар тайёрлаб бериш яхшиланади. Бу борада институтимиз студентлари орасида ҳар бир предметни пухта эгаллаш бўйича уюштирилаётган викториналар ижобий самаралар бераётганлигини таъкидламоқчиман. Бундай викториналар ўқув йили давомида график асосида ҳар бир кафедра томонидан ўқув группалари орасида маълум бир предмет бўйича уни чуқур ўрганиш юзасидан билим мусобақаси ўтказилаётир. Ана шу тадбирлар талабаларда мустақилликни шакллантиришдан ташқари, ўқишда, билимда орқада қолаётганларни аълочилар қаторига тортишга ҳам ёрдам беряпти.

Аммо студентларга чуқур билим бериш, уларни ихтисосликлари бўйича амалий тайёрлашни кучайтириш билан бирга, ёшларни идеологик жиҳатдан тарбиялаш кўпроқ эътибор талаб этади. Чунки ҳар қандай малакали мутахассис ғоявий-сиёсий, маънавий-аҳлоқий жиҳатдан ҳам юксак савияли бўлиши керак. У келажакда ўз иш жойида ана шу фазилатларни бошқаларда ҳам тарбияловчи пропагандистдир. Партия етук мутахассисда ўз ватанига, халқига садоқатли, ишига жонкуяр, ўзининг инсоният олдидаги бурчини тўла тушуниб етган интернационалист гражданинни кўришни истайди. Ана шу талаблар олий мактаб зиммасига тарбиявий ишларни қайта қуриш вазифасини ҳам қўймоқда.

Ана шу борада институтда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Аввало педагоглар ҳар бир талабани марксча-ленинча назария билан қуроллантириш, лекция ва семинарлар мазмуни, таъсирчанлигини ошириш устида ишламоқдалар. Лойиҳада таъкидланганидек, ижтимоий фанлар бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш, уларнинг меҳнат коллективлари, бошланғич партия ва совет ташкилотлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Асосий йўналишлар лойиҳасида студентларнинг ўзини-ўзи бошқаришга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланади. Бу метод бўлғуси мутахассисларда ташкилотчилик, мустақиллик қобилиятини ривожлантириши шубҳасиз.

Бир неча йиллар давомида студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида тўпланган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда улар билан якка тартибда иш олиб борилмаса, шу ерда малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўзланган мақсадга тўлиқ эришиш мумкин эмас экан. Партия шунинг учун ҳам ҳар бир талаба билан якка-якка тарзда муносабатда бўлишни, унинг ихтисослиги бўйича пухта билим олишига, сиёсий-ғоявий баркамол бўлиб етишишига эришишни асосий вазифа қилиб қўймоқда.

Бу мақсадда биз фойдаланаётган усуллардан бири — семинар машғулотлари бўлса, иккинчиси ётоқхоналардаги тарбиявий ишлардир.

Ётоқхона — студентнинг иккинчи уйи. У ерда талабаларнинг яшаш шароитини яхши билиш, истак ва орзуларини рўёбга чиқариш билан боғлиқ суҳбатларни ўтказиш учун катта имкониятлар мавжуддир. Ана шуни назарда тутиб, биз ётоқхоналарда, факультетларда студентлар билан кўпроқ суҳбатлар уюштирамиз, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишнинг турли воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Сўнгги пайтларда талабаларнинг машҳур кишилар, ишлаб чиқариш илғорлари, партия ветеранлари билан учрашувлари анъанага айланиб қолди. Донгдор пахтакор А. Аҳмедова, академик Г. А. Николаев, «Миконд» заводининг илғор ишчиси, КПСС XXVII съезди делегати Э. Ёқубжонов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири, КПСС XXVII съезди қатнашчиси И. Усов, СССР халқ артистлари Ш. Аббосов, З. Муҳаммаджонов, Н. Раҳимов, шунингдек қатор архитекторлар, рассомлар ва бошқа кишилар билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар шубҳасиз ёшларнинг маънавий бойлигини ошириш ишига хизмат қилади.

Асосий йўналишлар лойиҳасидаги олий мактаб самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган омиллардан бири — мутахассислар тайёрлашни планлаштириш ва улардан малакасига қараб халқ хўжалигида оқилона фойдаланиш борасидаги талаблар ҳам жуда ўринли.

Гап планлаштиришнинг аҳамияти ҳақида борар экан, инженер кадрлар тайёрлаш соҳасидаги баъзи ишларимиз ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мамлакатимиздаги инженерларнинг умумий мутахассислар орасидаги салмоғи 40,7 процентни, республикамизда эса 23,4 процентни ташкил этади.

Мана, яна баъзи характерли рақамлар: 10 минг аҳоли бошига Бухоро областида 1309 инженер, Тошкент областида эса 443 инженер тўғри келади. Лекин бу областларда техника олий ўқув юртларига қабул қилиш плани баббаравар 480 нафардан қилиб белгиланган. Ваҳоланки, агар планлаштириш органлари бу масалага чуқурроқ ёндашганларида эди Бухоро области учун ҳар йили 93, Тошкент области учун 1170 нафардан талаба қабул қилишга эҳтиёж борлиги равшан сезиларди. Мана бу мисоллар олий мактабга қабул планларини пухтароқ ўйлаб, халқ хўжалиги эҳтиёжидан келиб чиқиб тузиш лозимлигини кўрсатади.

Институт коллективи партия ва ҳукуматимизнинг олий мактаб тўғрисидаги ғамхўрликларига жавобан ўзининг бутун билим ва ғайрати, истеъдоди ва тажрибасини олий таълимни такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратади. Халқ хўжалиги учун юксак малакали ғоявий етук кадрлар тайёрлаш ишларини давр талабига мослаб қайта қуришни тезлаштириш ҳозирги энг бош вазифамиздир.

С. ПУЛАТОВ,
Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг ректори, профессор.

